



## МИЛЛИЙ ТИЛЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАРИ ҲАҚИДА

*Мирзаев Раҳматулла Ибодуллаевич,  
СамДУ доценти, юридик фанлари номзоди*

*Калим сўзлар:* этнография, феномен, социология, лингвокультурология, социолингвистика.

Мулоқот бирликлари тизими сифатидаги тил - ноёб, мураккаб ва серқирра ҳодиса. Шунинг учун у филологиянинг ҳам, социологиянинг ҳам, психологиянинг ҳам, этнографиянинг ҳам, сиёсатшунослик, тарих ва ҳуқуқшуносликнинг ҳам объектидир. Тил шу фанлар негизида ўрганилгандагина ўзига хос феномен тарзида намоён бўлади ва чуқур илмий ва амалий салоҳият касб этади.

Кейинги йилларда тил ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати масаласи долзарб мавзулардан бирига айланди. Чунки тил қонуннинг намоён бўлиш шакли ва қонун билан бошқариладиган ижтимоий-ҳуқуқий категория, давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва мавжудлиги белгиси, халқ мулки. Шунинг учун сиёсий-ижтимоий тараққиётнинг янги йўлини танлаган ҳар қандай жамият, энг аввало, миллий-лисоний муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилади. Зеро, давлатнинг юзага келиши ҳам, унинг таназзулга юз тутиши ҳам, асосан, тил масалалари билан боғлиқ ҳолда кечади. Собиқ шўролар даврида миллий республикаларда давлат тили ҳақидаги қонунларнинг бирин-кетин қабул қилингани ва кишилар онгига пойдевори пишик деб сингдирилган ССРнинг бир зумда емирилгани фикримизнинг инкор этиб бўлмайдиган исботидир.

Ўзбекистонда тил билан боғлиқ масалаларни қонун йўли билан бошқариш ишлари қизил империя авж олган ўтган асрнинг 80-йилларида. аниқроғи, 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан кейин жадал тус олди. 1991 йилнинг 25

октябрида қабул қилинган "СССР халқлари тиллари ҳақида"ги Қонун ҳам Мустақиллик йўлини танлаган халқларимизнинг бу борадаги иродасини синдира олмади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси (1992 йил 8 декабрь) барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлигини кафолатлайди ҳамда уларнинг қонун олдида тенг эканликларини таъкидлайди (ЎЗР Конституцияси, 18-модда). Ўзбекистон Республикасининг аввалги конституцияларидан фарқли ўлароқ, амалдаги Конституцияда жаҳонда кенг эътироф этилган, халқаро-ҳуқуқий меъёрларга бемалол жавоб бера оладиган, ҳар бир фуқаронинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги (агар улар фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлмаса) ҳуқуқи билан таъминланганлиги ҳам қайд этилган (ЎЗР Конституцияси, 29-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир фуқаронинг миллий-лисоний муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳам қатъий белгилаб қўйган. Қиёсланг: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили - ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" (ЎЗР Конституцияси, 4-модда).



Бу тамоийлар Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида (1995 йил 25 декабрь) ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикаси давлат тили ўзбек тили (1-модда) эканлиги, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлиги республикада истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмаслиги (2-модда), амалда бўлган тилларга нисбатан иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг таъминланиши, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилиши, миллатлараро муомала ва таълим тилини эркин танлаш (6-модда) каби ҳуқуқлари асосий қонундан келиб чиққан ҳолда кафолатланган. Қуйида шу кафолатлар ҳақида сўз юритамиз.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган тиларни *ижтимоий ҳимоялаш*, энг аввало, илмий асосланган тил сиёсатини, кенг қўламли социологик тадқиқотлар олиб боришни тақоза этади. Жойларда кўзга ташланаётган айрим ҳолатлар (масалан, автомобил давлат рақамларида янги алифбомизда бўлмаган W, С ҳарфларидан фойдаланиш, рекламалардаги бошбошдоқлик ва б.) фикримизнинг яққол исботидир.

Социолингвистика (социал лингвистика) - тилшунослик, социология, этнография, социал психология каби фанлар негизида юзага келган илмий фан бўлиб, тилнинг ижтимоий табиати, вазибалари, ижтимоий омилларнинг тилга таъсири механизмини ўрганади. Социолингвистиканинг асосий муаммоларидан бири - тилнинг ижтимоий табақаланиши (дифференциаллашуви) масаласидир.

Социолингвистиканинг таянч тушунчаларидан бири *тил вазияти* тушунчаси ҳисобланади. Тил вазияти (ёки лисоний вазият) деганда эса тил мавжудлиги ва унинг амал қилиш шакллари назарда тутилади. Ҳозирги

пайтда социологияда тил ва маданият (лингвокультурология) масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Билингвизм (икки тиллилиқ) ҳам социолингвистиканинг муҳим соҳалари сирасига киради.

Тил сиёсати, яъни давлат томонидан тилларнинг функционал тақсимланиши ва амал қилиши билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган тадбирлар мажмуи социолингвистиканинг етакчи йўналишларидан бири саналади. Чунки бундай сиёсатсиз тилнинг ижтимоий-ҳуқуқий масалаларини тушуниш ва ҳал қилиш қийин [Қаранг: Швейцер].

Кўп миллатли ва кўп тилли давлатда тил сиёсати масаласини ўрганиш мураккаб мавзулардан саналади. Бу ерда кўп тиллилиқ, миллатларнинг ўзига хослиги ва миллатлараро муносабатларнинг, жамият ҳаётида тилларнинг ҳамда шу тиллар соҳибларининг ролини инобатга олишга тўғри келади. Чунки тил сиёсати давлатнинг миллий сиёсати билан узвий равишда амалга оширилади [Қаранг: Дешериев].

*Иқтисодий ҳимоялаш.* Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи халқлар тилларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш илмий дастурларни мақсадли бюджет ва бошқа молиявий манбалар асосида таъминланишини назарда тутди. Келгусида ишлаб чиқилиши лозим бўлган бундай дастурлар давлат тили (ўзбек тили) ва Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи бошқа тилларни қўллаб-қувватлаш, сақлаш, ўрганиш ва ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни молиялашда имтиёзли солиқ сиёсатини ўтказишни тақоза этади. Бундай мақсадли дастурлар нафақат давлат, шунингдек, вилоятлар томонидан ҳам қабул қилиниши ва молиялаштирилиши мумкин. Шундай қилинса, у ёки бу дастурни молиялаш учун ажратиладиган бюджет манбаи аниқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг келажакда



кабул қилинадиган янги таҳририда субъектларнинг қайд этилган дастурларини молиялашдаги улуши ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни (1995 йил, 25 декабрь) 24-моддаси тилларни *ҳуқуқий ҳимоялаш* масаласига бағишланган: "Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланади. Фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар".

Биринчидан, мазкур модданинг кейинги жумласидаги "...жавобгар бўладилар" бирикмаси "жавобгарликка тортиладилар" тарзида ёзилганда, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, гап давлат сиёсати, шу давлатда яшаётган миллат ва элатларнинг маънавий мулки - тиллари ҳақида бормоқда. Иккинчидан, ушбу моддада қайд этилган меъёрий талаб Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига ёзилган шарҳларда ҳам, тиллардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни назарда тутувчи соҳавий қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам, реклама ҳақидаги қонунда ҳам, маъмурий қонунчиликда ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган эмас.

Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қатор моддаларининг (7,8,9,10,20) ҳуқуқий ҳимояланишини янада такомиллаштириш

мақсадга мувофиқ. Мазкур қонуннинг юқорида қайд этилган 24-моддаси ҳавола характерига эга, чунки унда жавобгарликнинг қайси тури - жиноий, фуқаровий, маъмурий, интизомий – кўлланиши, юридик ва жисмоний шахсларга қандай жавобгарлик юклатилиши мумкинлиги қайд этилмаган.

Моҳиятан гапирганда, Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни яхлит тизим сифатида шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Унинг таълим, оммавий ахборот воситалари, реклама, маданият кабилар ҳақидаги қонунчиликлар билан алоқаси давр талаб этаётган даражада эмас. Қонуннинг динамик характерда эканлиги Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонунини янада такомиллаштириш мумкинлигига умид боғлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни ҳаётимизнинг турли соҳаларида амал қилаяпти. Бу қонунни янада жонлантириш ва такомиллаштириш учун уни ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқий ҳимоялаш кафолатланмоғи лозим.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни амалда. Унинг ижроси билан боғлиқ айрим сусткашликларга барҳам бериш учун Ватанимизда амалда бўлган тилларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазибаларимиздандир.

### Адабиётлар

1. Виноградов В.А. Языковая ситуация // Лингвистический энциклопедический словарь. –М., 1990.
2. Воронежский П.М. Конституционно-правовые проблемы статуса государственных языков республик в составе Российской Федерации. Автореф. дисс ...канд.юрид.наук. –М.: СПб ун-т, 2009.
3. Дешериев Ю.Д. Языковая политика // Лингвистический энциклопедический словарь. –М., 1990.



4. Доровских Е.М. Конституционно-правовое регулирование использования языков народов Российской Федерации. Автореф. дисс ...канд.юрид.наук. –М.: Институт государства и права, 2005.

5. Мирзаев Р.И. Ўзбекистон Республикасида давлат тилининг ҳуқуқий мақоми. Юрид. фанлари номзоди дисс. ... автореф. –Т.: ТДЮИ, 2012.

6. Швейцер А.Д. Социоллингвистика // Лингвистический энциклопедический словарь. –М., 1990.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.: Ўзбекистон, 2014.

8. Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни. –Т.: Адолат, 1995.

*Мирзаев Р. Общественные, экономические и правовые основы защиты национальных языков. В статье предпринята попытка обосновать общественные, экономические и правовые основы защиты национальных языков.*

*Mirzayev R. Social, economic and legal ground of defending national languages. The article explains social, economical and legal ground of defending national languages.*

---

---